

МҮАММОТҲАРИ

ТАРЖИМА

ТНУ БА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

профессор

**ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ**

таваллудининг

80 йиллигига бағишланган

республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-  
ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларининг

## **ТИЛ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

мавзусидаги илмий-услубий

мақолалар тўплами

**9-китоб**

Наманган – 2015 йил

22. Тиллаева Р. Лингвистик модел хусусида.....	62
23. Tojibojev I. Great encyclopedic scientist Mahmud al-Kashgari and his dictionary "Diwanu lugati't-turk".....	64
24. Турдиева Г. Номинатив бирликларда лексик маъно типлари.....	66
25. Усмонова Х. Синтактик бирликларда шакл ва мазмун диалектикаси.....	68
26. Шахабитдинова Ш.Х., Исламназарова Х.Д. Некоторые аспекты изучения грамматических систем узбекского и русского языков в контрастивной лингвистике.....	71

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

27. Азимова Ж.Ф., Айрапетян Н., Мехмонова Б. Образ "маленького человека" в произведениях А.П.Чехова.....	76
28. Азимова Ж.Ф. Петров И., Маннонова М. Жанровые традиции в современном узбекском рассказе.....	77
29. Ахмедова Ш.Ш., Азимова Ж.Ф., Хван. Русско-узбекские литературные связи.....	79
30. Алимухамедов Р. Қадимғни турк-моний шеърляти: матн талқини ва жанр хусусиятлари.....	81
31. Ахмедова В.А. Драматик асарда монологнинг ўрни ва аҳамияти.....	86
32. Богданович Г.А., Курбанова М.Т., Эргашева М. «Онегинский» пласт в романе И.С.Тургенева «Отцы и дети».....	89
33. Болтаева И. Ҳалима Худойбердиева шеърлятида шарқона тарбиянинг ўрни.....	91
34. Буранова Н., Чжен Е. Пушкинские традиции в творческом сознании русских символистов.....	93
35. Дадабоев О. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг ўзига хос хусусиятлари.....	96
36. Ёкубова С. Бахт кўнғироғи.....	98
37. Жабборова М. "Илохийнома"да жами жам талқини.....	101
38. Жўраева Х. Бир зикрнинг икки жихати.....	105
39. Исмагуллаев А., Азимова З. «Невыразимое» и «неизъяснимое» в творчестве главных представителей русского философского романтизма.....	107
40. Каримов Р., Қозоқова М. Бобур шеърлятида бадий воситалар.....	109
41. Каримов Р. Бобур шеърлятининг насрий баёни тўғрисида.....	113
42. Каримова Н. Абдулла Қодирий "Ўткан кўнлар" асари ва унинг немисча наشري тўғрисида.....	118
43. Кукибоева М., Шохидова М. "Робинзон Крузо" ҳақида айрим	

тафсилотлар.....	120
44. Қодирова Д., Дадабоева Л. Темурийлар ва Темур адабий мероси жаҳон адабий жараёнида.....	122
45. Миркосимова М., Ниёзметова Р. Мехру мухаббатдан, хайрагу армонлардан яралган шеърят.....	124
46. Мусаева Ф.Б., Салоҳиддинова А. Женский образ в драме “Гроза” .....	127
47. Мусаева Ф.Б., Салоҳиддинова А. Михаил Булгаков и его главная книга.....	129
48. Набиев Ш. Жизнь жанра в творчестве Н.Лескова.....	132
49. Nematjonov Sh. Chaucer’s major works and its analysis.....	134
50. Nematjonov Sh. Geoffrey Chaucer – father of english literature.....	136
51. Nishanova O. British fantasy fictions as a literary genre.....	138
52. Носиров Қ. Турсунбой Адашбоевнинг Ағния Бартодан таржималари.....	140
53. Sidikov K., Alanazarova S. View to researches done on “Kutadgu Bilig” in Uzbekistan.....	143
54. Сиразетдинов А. Роль образа Родиона Раскольникова в мировой литературе.....	145
55. Содиков Қ. “Олтун тусли ёруғ” асарининг узинди нухаси тўғрисида....	147
56. Солиев У. Буюк Британияда Навоий асарларининг ўрганилиши .....	152
57. Тоджиходжаев М. Мартин Хартманн ва Хувайдо.....	155
58. Тожибоева О., Ўрозов Ж. Навоий ижодида устоз ва шогирд муносабатлари талқини.....	158
59. Хайдарова Н. Пограничное состояние миров: мир реальный и ирреальный в концепте «Сон» (на основе метода литературной герменевтики прочтения прозы В. Яна).....	161
60. Каримов О., Ҳамидова М. XX аср ўзбек адабий танқидчилигида Б.Назаровнинг ўзига хос ўрни.....	166
61. Худойбердиева М.З. Стилевое своеобразие публицистики «позднего» Л.Н. Толстого.....	168
62. Худойбердиева М.З. Лирические фрагменты «Мертвых душ» и их идейное наполнение.....	170
63. Хусанбоева Қ. Жажжи шеърлар тилсими.....	172
64. Чжен Е.В. Гоголевский подтекст в изображении Чичикова и Ноздрева в поэме Н.В. Гоголя «Мёртвые души».....	177

гўзал манзумалар яратилганини кузатиш мумкин. Д.Мўминова ҳам кўплаб ўринларда устоз ижодкорлар лирикасида кенг қўлланилган усулга мурожаат қилади. Хусусан, “*Хаёл*” номли шеърда Гулсум ва унинг укаси; “*Чевар*” шеърда муаллим ва ўқувчилар; “*Бармоқлар*” шеърда эса, буви ва невара ўртасидаги савол жавоб ва суҳбат мулоқотлар фикримизни далиллайди. Демак, бундай усул тенгдошимиз учун мавзунини ёритишда муҳим бадиий-композицион воситадир.

Дилоромнинг айрим шеърларида туш ва хаёл коришик ҳолда келади. Жумладан, китоб сарлавҳасига чиқарилган “*Анжир сайли*” шеъри қахрамони ёш Сардор боғчадан келар экан, ойисига: бугун овқат излаб, сахро кезиб дайдиб юрган чакалок филни кўргани, боғча опаси уларни анжир сайлига олиб борганини айтиб мактанади. Турли хил хаёлларга борган она эртаси кунни боғча опага учрашганида масалага ойдинлик киритилади. Маълум бўлишича, Сардор филча билан боғлик барча воқеаларни тушида кўрган экан. Чунки болаларни тезроқ ухлатиш мақсадида боғча опа айтиб берган эртак унга кучли таъсир қилган ва ҳатто тушида ҳам шу қахрамонларга ҳамроҳ бўлиб, адабий воқеалар оқимида шўнғиб кетган экан. Англашиладики, бугун адабиётимизда кузатилаётган “*адабий куроқ*” усулидан самарали фойдаланишга уриниш эртаклар олампидан узилмаган болалар табиатига хос хаётий ҳодисанинг хаёлий фантазия билан уйғунлашуви, демакки таъсирчан ечимга эришиш имконини берган.

Дилоромнинг айрим шеърлари халқона тасвир усулларида бойлиги билан эътиборлидир. Масалан, “*Деворнинг қулоғи*” шеърда ёш Қобилжон катталар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат-мулоқот асносида: “*Деворнинг ҳам қулоғи бор*”, деган иборани эшитиб қолади. Азбаройи кизиқувчанлиги боис, дадасидан шу гапнинг канчалик рост эканини сўрайди. Кўринадики, шеърда халқона иборани бола руҳиятига мос тарзда қўллаш натижасида энгил юмор юзага келган.

“*Гап*” шеърининг қахрамони Дилшода таажжублари ҳам китобхонда ўзгача кизиқишларни уйғотади. Дадасининг тенгдошлари билан “гап ейиш”ни мўлжаллагани ҳақидаги хабарни эшитган Дилшода роса ҳайратда қолади. Чунки у асал, каймоқ ва бошқа ширинликларни ейиш мумкинлигини билар, аммо ҳозиргина эшитган гапининг мағзини чақолмай қийналарди. Жажжи кизалок “гап ейиш” дегани қандай маъно англатишини аниқлаш учун турфа хил хаёлларга боради:

*Нима экан бунинг маъноси,*

*Хаёл суриб ўтирар қизча.*

*Ёки асал, қаймоқмикан у?*

*Еб бўлурми уни тўйгунча.*

Хуллас, ҳар қанча ўйламасин, Дилшода муаммонинг мағзини чақолмай ойисидан: “- *Ойи гапни чайнаб ейдими?*”, - деб сўрайди.

“Кундалик” шеърида кизчаси Ойдиннинг кундалигини ҳар куни кузатган она унга шу ҳикматни уктиради:

*Баҳоларинг доим “беи” бўлса,  
Кундалигинг кулиб туради.*

Бунӣ ўзича тушунган Ойдин ҳар куни катор “беи” олар, ҳатто санаб адогига етолмасди. Бирок, кундалиги кулмаслигидан ғоятда таажжубланарди. “Кўмакчи” шеърида устоз томонидан берилган: “Кўмакчи нима экан?”, деган саволга шоша-пиша жавоб берган Достонбек:

*Идишларни ювганда,  
Уйни супурганда ҳам,  
Кўмакчим деб синглимни  
Мақтади кеча онам.*

леб жавоб беради. Ёш шоира ҳазил-мутойиба орқали шошқалок Достоннинг она тили фанидан олган билими канчалик “*теран*” эканини кўрсатади ва киссадан хисса чиқариш орқали ёшларни мулоҳазакорликка ундайди.

Китобдаги айрим шеърларнинг қаҳрамонлари ҳайвону қушлардир. Масалан, “Кураш” шеърида шер подшолик қилувчи мамлакат, яъни ўрмонда ўтказилиши режалаштирилган кураш учун: фил, айик, тулки, куён; чумчук, карға, саъва, асалари саф тортишади. Жисмоний кучига каттик ишонган мактанчок маймоқ айик боларидан шармандаларча енгилади. Куринадики, шеърда мактанчоклик ва унинг зидди бўлган ақл-фаросат каби мавҳум тушунчалар аллегорик образлар хатти-ҳаракат ва ҳолатларига кўчирилади. Ифоданинг юқоридаги сингари кўчим орқали берилиши Дилоромнинг эртак ва масаллардан самарали таъсирлангани белгисидир.

Умуман, Д.Мўминованинг ушбу китобидан ўрин олган шеърларида бола руҳияти содда, беғубор туйғулари, фикрлаш тарзига монанд ҳолда тасвирланган. Шеърлардаги жажжи қаҳрамонлар дунёни ўзларича англашга ҳаракат қилишгани, кўпинча кулгили вазият-ҳолатларга тушиб қолишлари билан эътиборни тортади.

## “ИЛОҲИЙНОМА”ДА ЖОМИ ЖАМ ТАЛҚИНИ

*М. Жабборова, мустақил тадқиқотчи (ТДПУ)*

Бадий адабиётдаги *Жоми Жам*, яъни Жамшид жоми оламда бўлаётган ҳодисотларни кўрсатувчи, дунё сирларидан вокиф этувчи рамзий тимсолдир. Уни яна *жоми жаҳонбин*, *жоми жоҳ*, *жоми гетийнамо* номлари билан ҳам аташади. Ривоятларга кўра подшоҳ Жамшид ҳукмронлиги даврида дунёдаги барча олиму фузалоларни йиғиб икки хил жом ясашни буюради. Олимлар шоҳ айтганидай икки хил жом ясайди: бирдан қанча май ичилса ҳам ҳеч адо бўлмайди, иккинчиси эса

ичи май билан лимо-лим тўлдирилса ойнаи жаҳон каби дунё сирларидан вокиф этади. Кўпинча бу икки хусусият битта жомга тегишли ҳолатда ҳам келади.

Жоми Жам тимсоли кўпгина асарларда “дунёнинг сирли мўъжизаси”, “сеҳрли ашёси”, баъзан “бебаҳо ҳазина” сифатида тилга олинади. Унга муяссар бўлган шахс – буюк қудрат соҳиби, дея таъриф этилади. Тасаввуф адабиётида эса ушбу тилсим, маъжозий моҳиятга эга. Яъни, жом– гўёки инсоннинг ўзлиги, “мен”и, кўнгли, қалби сифатида. Унга назар ташламоқ, ундаги акс этган ҳодисотлардан ҳабардор бўлмоқ; гўёки инсониятнинг ўзлигини топишга, ўз “мен”ини идрок этишга, кўнглидаги сир-асрорлари билан ошуфта бўлишга ва руҳияти билан бир бутунга айланишга томон ҳаракати, унга интилишидир. Тасаввуфий шоирлар ижодида ана шундай руҳий интилишларни кўп гувоҳи бўламыз.

Тасаввуф адабиётининг буюк намоёндаси Фаридуддин Аттор ўзининг илоҳий, диний ва сўфиёна мазмундаги асарлари билан бадий адабиётда ўчмас из қолдирган. Алишер Навоий уни “фонийлик кўхикофининг анқоси, жамики қушлар тилининг доноси, шариат йўлларининг пешвоси, тариқат авлиёларининг қиблагоҳи, хидоят шами билан қалбларни нурлантиргувчи, ҳақиқат сирларининг кашфиётчиси, нозиклик нурларининг мазҳари, маърифат аҳлларининг тождори” деб таърифлаган. Атторнинг ижодиёти чет эл олимлари томонидан кенг ўрганилган.<sup>30</sup> Истиклолга эришганимиздан сўнг ўзбек адабиётида ҳам атторшунослик борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Чунончи, шоирнинг бир қатор “Тазқарат ул-авлиё”, “Уштурнома”, “Панднома”, “Булбулнома”, “Асрорнома”, “Илоҳийнома” каби асарлари, ҳикматлари таржимонлар М.Ҳасаний, Жамол Камол, Н.Комилов, Э.Очилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрдан этилди. Бундан ташқари бу борадаги олиб борилган қатор илмий тадқиқотлар ҳам аҳамиятга молик.<sup>31</sup>

Жоми Жам образи бадий тимсол сифатида тасаввуф адабиётининг буюк намоёндаси Фаридуддин Аттор ижодиётида ҳам учрайди. Унинг “250 дан зиёд ҳикоятлар маънавий кимё куч-қувватини исботлашга, ҳар нарсадан аввал ишқ, ирфон ва илмга таяниш йўлларини кўрсатишга

<sup>30</sup> Оқилова М.А. “Тазқирату-л-авлиё” Фаридуддина Аттора Нишопури : рукописи, источники и художественно-стилистические особенности : дисс. к. фил. н.- Худжанд, 2009. - 153 с. Аземун М. А. Мистико-философское учение Фаридуддина Аттора : дисс. к. филос. н. - Душанбе, 2012. - 171 с. Низомов М.З. Вопросы поэтики газелей Фарид ад-дина Аттара : дисс. к. фил. н. - Душанбе, 2002. - 208 с. Умедов М. Х. Идеино-художественные особенности “Мусибатнаме” Фаридаддина Аттара : дисс. к. фил. н.- Душанбе, 2006. - 173 с. Худжова М. У. Образы женщин в “Илохнаме” и “Хусравнаме” Фаридуддина Аттара : дисс. к. фил. н. - Душанбе, 2006. - 159 с. Каюмова Ф. А. “Мантик-ут-тайр” Аттара Нишопури и его тюркские ответы : на примере поэм “Лисон-ут-тайр” : дисс. к. фил. н.- Худжанд, 2012. - 145 с.

<sup>31</sup> Саидов А. Атторшунослик. “Шарк”. –2013. –384 б. Очилов Э. Аттор асарларининг ўзбекча жаранги //Хуррият. –2012. –22фев. Саидов А. Буюк Аттор маърифати //Хуррият. –2012. –12дек. Аликулов Х. Фаридуддин Атторнинг тасаввуфий қарашларида нафс тушунчасининг талқини //Илм сарчашмалари. –2013. №11. Б. 20-23. Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридуддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида). Ф. ф. н. автореф. –Т.: – 24 б. ва б.



хизмат этадиган”<sup>32</sup> “Илохийнома” асарида жоми Жам хакидаги ҳикоят мавжуд.

Асарда отанинг ўғиллари билан бўлган суҳбати, ўғилларининг саволларига жавоби, айтган панду насиҳатлари ибратомуз ҳикоятлар мисолида шарҳланади. Аслида бундай композицион қурилиш, яъни ибратомуз ҳикоят ва ривоятларнинг суҳбат асносида, саволга жавоб шаклида келтирилиши бадиий адабиётдаги кўпгина панднома асарларда учрайди. Яъни, асарлардаги суҳбатнинг мунозара шакли (бу мунозара устоз-шоғирд, ота-бола ёки бошқалар ўртасида бўлиши мумкин) ва жавобан албатта ривоят келтириши қадимги Шарк асарларига хос анъаналардан ҳисобланади. Дунёга машҳур “Калила ва Димна” ҳам шу шаклда битилган.

“Илохийнома”да отанинг олти ўғил билан бўлган суҳбати 22 та мақолатга бириктирилган. Ҳар бир мақолот бир неча ҳикоят ва ривоятларни ўз ичига олади. Отанинг учинчи ўғил билан бўлган савол-жавоб тўққизинчи мақоладан бошланади ва ушбу суҳбат *жоми Жам* мавзусида бўлади. Ўғил отасининг қошига келиб, жоми Жам таърифини келтиради ва унга етишиш орзусида эканлигини айтади. Отаси унга жомдан наф йўқлигини таъкидлаб, унга берилиб, маком (мансаб)га интилагин, жомга эғалик қилсанг подшоҳ Жамшид каби мағрурликка берилиб кетасан, дейди. Отанинг ушбу насиҳатида шоҳ Жамшиднинг жомни ясатганидан сўнг оламда бўлаётган барча воқеалардан хабардор бўлгани ва дунёнинг энг буюк мўъжизасига эришганидан ғурурга берилиб, охир оқибат завоқ топгани хакидаги куйидаги ривоятга ишора мавжуд.

Ривоят қилинишича, Жамшид адолатли ва бунёдкор подшоҳ бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида қариш ва ўлим бўлмаган, халқ осойишта яшаб, мамлакат эса гуллаб яшнаган. Жамшид халқининг манфаати учун жуда кўп кашфиётлар қилган. Чунончи, бинолар, кўприklar, йўллар қурдирган, одамларга кийим киймакни, таомларни пишириб емакни ўргатган. Унинг энг буюк мўъжизаси *жоми Жам* ясаттирган. Лекин Жамшид мана шу қудратли ашёга эга бўлганидан сўнг ўзгарган. Жомдан бўлак нарсани унутган. Халқининг ҳолидан хабар олмай қўйган. Ҳатто такаббурликка берилиб, худоликка давогарлик қилган. Ундан одамларнинг кўнгли қолиб, юз ўгиришган ва Заҳҳок томонига ўтиб кетишган. Ёлғиз қолган Жамшидни Заҳҳок туттириб, арра билан иккига бўлиб ташлаган. Унинг такаббурлиги ўз бошига етган.

Шу сабабли ота ўз ўғлига жомни орзу қилмасликни, бир ашёни деб Жамшиддек завоқ топмасликни насиҳат қилади. Ўз фикрларини далиллаш

<sup>32</sup> Иброҳим Ҳаққул. Қўнғил кимёси/Шайх Фаридулдин Аттор. Илохийнома/Фарсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Мусика”, 2007. Б. 12.

учун бир неча ҳикоятларни мисол қилиб келтиради. Лекин ўғил отасининг гапларидан коникмай, унга яна савол билан мурожаат қилади.

Ўғил дедики, жоҳ гар чун харомдир,  
Тушунтир, жоми Жам ул не макомдир?  
Азиз дерлар уни, билмам, тушунтир,  
Нечук бир нарса эрмиш жоми Жам ул?<sup>33</sup>

Шунда ота “Кайхусрав ва жоми Жам” ҳикоятини келтиради. Унда баён қилинишича, подшоҳ Кайхусрав етти иклимга шоҳ бўлгач, ҳазинасидаги жоми Жамшидга боқиб олам сирларидан воқиф бўлишни истаиди. Лекин ҳарчанд уринса ҳам жомда ҳеч нарса кўринмайди. Шунда ҳам у ўз хоҳишидан кечолмай, жомга қайта-қайта назар ташлаб, оламда содир бўлаётган ҳодисотларни кўришни истаиди. Жомда бир хат пайдо бўлади. Ушбу ёзувда бу дунё гўзалликлари, сир-синоатлари, ҳою хаваслари ўткинчи ва беҳуда, шунингдек, инсонларни мафтун этган дунёдаги барча нарсалар шунчаки курук суръат эканлиги, яъни улар ўзларида моҳиятни акс эттирмаслиги, шу сабабли беҳуда нарсаларга берилмай аслиятга, ҳақиқий сийратга етиш учун ҳаракат қилиш лозимлиги ёзилган бўлади. Унга эса факат фоний ҳаётда етишиш мумкин.

Ўлимдан топ тириклик, эй фалони,  
Тирикликнинг камоли англа они.  
Тиларсен гарчи накши жовидон ул,  
Жаҳонда бенақшлик – накши жон ул.  
Тиларсен биздек ўлмок, бизнамо бўл,  
Ўзингдин кечгилу ғарки фано бўл.(226 б.)

Дунёнинг хавасларига берилган одам ўзлигини – моҳиятини, бу синовлидунёга нима учун келганини, бажараётган амалларию қилмишларини жавоби борлигини ва бу боқийликдан сўнг ҳақиқий ҳаётнинг борлигиниунутади. Ўткинчи дунёнинг гўзал суръатига ошиқ бўлиб, сийратни – ҳақиқий гўзалликни эсдан чиқаради. Аслида жоми Жам каби тилсимга, буюк қудратга эга бўлиш ҳақиқий мақсадга етиш эмас. Унга интилиш беҳуда. Бу каби буюмлар одамларни оҳанграбодек ўзига жалб қилсада, улар аслиятдан, яъни ҳақ йўлидан чалғитувчи воситалардир. Кайхусрав бу сирли ёзувдан воқиф бўлгач, ўткинчи хоҳиш-истакларидан воз кечиб, фоний ҳаёт ҳақида қайғуради. Мол-мулки ва давлатидан, бутун салтанатидан воз кечади, ҳукмдорлик туғини Лоҳраспга топширади. Ўзи эса қўлида жом билан ғорга кириб, ғурбатни ихтиёр этади. Кейинчалик ғорни қор босиб Кайхусравнинг ҳаётига нукта қўйилади.

Фаридиддин Аттор ушбу ҳикоят мисолида одамларни ҳақ йўлга чорлайди, аслиятдан чалғитувчи ўткинчи нарсаларга берилмасликка даъват этади. Аммо ушбу ривоят тасаввуфий моҳиятга ҳам эга. Масалан,

<sup>33</sup> Аттор Фаридуддин. Илоҳийнома. – Т.: “Мусика”, 2007. Б. 225. Қаранг! Кейинги мисолларда факат бетлари кўрсатилади.

жомдаги ёзувда инсон дунё сирларидан вокиф бўлишга харчанд уринмасин, дунёнинг энг сирли мўъжизаси ўзлари эканлиги битилган эди.

Не кўрсанг, ул ўзингсен, биз эмасмиз,

Кўрингайдир, дема, харгиз эмасмиз.

Ки суврат кетди, биз бесуврат энди,

Қидирма, у азал бағрига инди.(226 б.)

Эй инсон, сен жомга бокиб олам ҳодисотларини кўраяпман, ҳамма нарсадан вокифман, деб ўйлама. Жомда кўринганлари сен яшаётган ўткинчи дунёдаги, ўткинчи воқеалардир. Ҳақиқий манзарани эса кўра олмайсан, чунки у макомга етишиш учун азалият билан, руҳият билан бир бутунга айланиш керак.

“Илоҳийнома”даги деярли ҳар бир ҳикоят ана шундай тасаввуфий моҳиятга эга. Уларни маъно қатламларини тушуниш, сюжет, композиция, поэтик жиҳатдан таҳлил қилиш алоҳида изланишни талаб этади.

## БИР ЗИКРНИНГ ИККИ ЖИҲАТИ

*Жўраева Хуснигул, ўқитувчи (ТДПУ)*

Мазкур мақола А-1-98 рақамли “Навоний адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” мавзусидаги грант лойиҳа асосида бажарилган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоний барча асарларида биограф сифатида Ҳусайн Бойқаро шахсияти, салтанатдорлик фаолиятини ўрганган, ижодий меросини кузатиб, таҳлил қилиб борган. Хусусан, “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг VIII мажлисида Навоний Ҳусайний сиймосида қилни қирк ёрадиган донишманд, шеършунос олим, нуктадон адабиётшунос, туркий шеърятнинг энг гўзал намуналарини яратган забардаст шоирни таърифлайди.

Тазкиранинг 1491 йилги биринчи таҳририда VIII мажлис “Султони соҳибқироннинг латиф таъбининг зеболари ҳусн ва жамоли зикри” билан бошланади. Навоний “фасоҳат оламининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била мўъжиза пардози” Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхоннинг “хўб ашъори ва марғуб абёти” ниҳоятда кўплигини ва девон тартиб қилганини алоҳида таъкидлаб, “таямму ва табаррук учун бир неча матлаъ ва байт сабт қилилур ва ул дарёдин бир неча гавҳар китобатнинг каро ипига тортилур”, (2,137) -дея, Ҳусайний байтларини шарҳлашга киришади. Дастлаб Ҳусайн Бойқаронинг Мавлоно Лутфий байтига битган уч ғазали матлаъини келтиради.

Олим Ҳасан Қудратуллаев “Навонийнинг адабий-эстетик олами” номли китобида Навонийнинг нозик диди, бадиий асар бутунлигига доир эстетик қарашлари хусусида сўз юритиб: “Навоний Лутфийнинг бир байтига рақобат қилиш учун Ҳусайнийнинг уч матлаъини келтиради.